

## **ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ВА ЎЗARO ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРДА “ИНВЕСТИОР” ТУШУНЧАСИНИНГ ТАБИАТИ**

**Абдраимов Илхомжон Базарбойевич**

Ташқи ишлар вазирлиги, Шартнома-ҳуқуқ бошқармаси, бўлим бошлиғи

Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзарo ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқарo шартномаларда “Инвестор” тушунчасига Аҳдлашувчи Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ равишда аниқлик киритиш зарурдир.

Инвесторлар инвестицияларни қабул қилувчи давлатда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдалана олувчи халқарo шартноманинг асосий амалга оширувчилари ҳисобланади.

Бу ўринда энг асосий масала инвестор ва Аҳдлашувчи давлат ўртасида боғлиқликни аниқлаш лозим. **CSOB v. Slovak Republic** (<https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/15/csob-v-slovakia>) ишида Трибунал Конвенциядаги "инвестор" атамаси нафақат хусусий капиталга эга компанияларга, балки давлат томонидан қисман ёки тўлиқ назорат қилинадиган компанияларга ҳам тегишли эканлигини билдирган. Шунинг учун у юридик шахс давлат агенти сифатида ишламаса ёки давлат функциясини бажармаса, ICSID бўйича суд жараёнларида инвестор сифатида иштирок этиши мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилган.

Баъзи Инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги шартномаларида давлат субъектлари ҳам “Инвестор” атамаси тушунчасига киритилганлиги аниқ кўрсатилган. Масалан, 2012 йилги АҚШ намунавий икки томонлама инвестициялар тўғрисидаги Битими

(<https://ustr.gov/sites/default/files/BIT%20text%20for%20ACIEP%20Meeting.pdf>)  
хамда 2021 йилги Канаданинг ([https://www.international.gc.ca/trade-commerce/trade-agreements-accords-commerciaux/agr-acc/fipa-apie/2021\\_model\\_fipa-2021\\_modele\\_apie.aspx?lang=eng](https://www.international.gc.ca/trade-commerce/trade-agreements-accords-commerciaux/agr-acc/fipa-apie/2021_model_fipa-2021_modele_apie.aspx?lang=eng)) намунавий Хорижий инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битими (Foreign Investment Promotion and Protection Agreement – FIPA) давлатга тегишли ёки назорат остидаги субъектларни қамраб олади.

Канада FIPАсининг 1-моддасида “Инвестор” атамаси тушунчаси қуйидагича баён этилган:

*“Томон инвестори” деганда инвестиция киритишга интиляётган, амалга ошираётган ёки амалга оширган Томон, ёки Томон фуқароси ёки корхонаси тушунилади. Ушбу таъриф мақсадлари учун “Томон корхонаси” қуйидагиларни англатади:*

*(а) ушбу Томон қонунларига мувофиқ ташиқил этилган ёки ташиқил этилган ва ушбу Томон ҳудудида катта бизнес фаолиятига эга бўлган корхона. Корхонанинг Томон ҳудудида катта бизнес фаолиятига эга эканлигини аниқлаш учун ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида, фактларга асосланган сўров ўтказиш талаб этилади; ёки*

*(б) ушбу Томон қонунларига мувофиқ ташиқил этилган ёки ташиқил этилган ва ушбу Томон фуқароси ёки (а) кичик бандда кўрсатилган корхона томонидан бевосита ёки билвосита эгалик қилинадиган ёки назорат қилинадиган корхона;*

Баъзи инвестиция шартномалари давлат ташкилотларидан ташқари, ҳукуматнинг ўзини ҳам “Инвестор” атамаси тушунчаси ичига киритилади. Масалан, 1996 йилги Чехия Республикаси билан Кувайт Давлати ўртасидаги инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим (<https://investmentpolicy.unctad.org/international-investment-agreements/treaty-files/950/download>) ва 2001 йилги Белгия Қироллиги билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим (<https://edit.wti.org/document/show/f3f70599-2647-4d19-a018-50b78419964d>).

Белгия Қироллиги билан Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимнинг 1-моддасининг 3-кичик бандида “Инвестор” атамаси тушунчаси қуйидагича баён этилган:

***а) Саудия Арабистони Подшоҳлиги учун:***

*(1) Саудия Арабистони Подшоҳлиги қонунларига мувофиқ, Саудия Арабистони Подшоҳлиги фуқаролигига эга бўлган **жисмоний шахслар**;*

*(2) юридик шахсга эга бўлган ёки эга бўлмаган ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги қонунларига мувофиқ, ташкил этилган ва унинг ҳудудида бош офиси бўлган ҳар қандай **ташкилот**, масалан, **корпорациялар, корхоналар, кооперативлар, компаниялар, шериклик, офислар, муассасалар, фондлар, ташкилотлар, бизнес уюшмалари** ва б Подшоҳлиги, улар чекланган жавобгарликка эга бўлишидан қатъи назар;*

(3) Саудия Арабистони Подшоҳлиги **Хукумати** ва унинг Саудия Арабистони **Валюта Агентлиги, давлат фондлари** ва Саудия Арабистонида мавжуд бўлган бошқа шунга ўхшаш **давлат муассасалари** каби **молиявий институтлари ва органлари**;

**б) Белгия Қироллиги учун:**

(1) "фуқаролар", яъни Белгия Қироллиги ёки Люксембург Буюк Герцоги қонунларига мувофиқ Белгия Қироллиги ёки Люксембург Буюк Герцоги фуқароси деб ҳисобланган ҳар қандай **жисмоний шахс**;

(2) "компаниялар", яъни Белгия Қироллиги ёки Люксембург Буюк Герцоги қонунчилигига мувофиқ ташкил этилган ва Белгия Қироллиги ёки Люксембург Буюк Герцоги ҳудудида рўйхатдан ўтган офисига эга бўлган **ҳар қандай юридик шахс**.

Германия Федерациясининг намунавий инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимида, юқорида санаб ўтилган компаниялар шаклларида ташқари, "Инвестор" таърифига **нотижорат ташкилотлар** ҳам киритилган.

Унинг 1-модда иккинчи хатбошиси (а) кичик бандида:

"компаниялар" - "ҳар қандай юридик шахсни, шунингдек, юридик шахсга эга ёки эга бўлмаган ҳар қандай тижорат ёки бошқа компания ёки уюшмани [...] унинг фаолияти фойда олишга қаратилганми ёки йўқми, қатъи назар" тушунилади.

Impregilo v. Pakistan (<https://jusmundi.com/en/document/decision/en-impregilo-s-p-a-v-islamic-republic-of-pakistan-ii-decision-on-jurisdiction-friday-22nd-april-2005>) ишида, Италия Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси инвестициялар ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим асосида, трибунал Impregilo қўшма корхона компанияларидан бири бўлганлиги ва бошқалар номидан даъво қўзғата олмаганлиги сабабли, унинг “**rationae personae**” юрисдикцияси йўқлигини аниқлади. Трибунал, ICSID Конвенциясини ишлаб чиқиш тарихи ҳақидаги рисолага таяниб, "ҳуқуқий шахслик 25(2)(б)-моддани қўллаш учун талаб ҳисобланади ва шунчаки жисмоний ёки юридик шахсларнинг бирлашиши бунга мос келмайди" деб таъкидлади. Натижада, Трибунал Impregilo қўшма корхона номидан даъво қўзғата олмаслигини аниқлади. Шунингдек, трибунал Impregilo қўшма корхонасининг бошқа иштирокчилари номидан даъволар қила оладими ёки йўқлигини текширди. Трибунал "томонларнинг розилиги ICSID юрисдикциясининг асоси ҳисобланади" деган фикрни яна бир бор таъкидлади. Бошқа инвесторлар ВІТ ваколатига кирмаганлиги сабабли, Impregilo улар номидан даъволар қила олмади.

Хулоса қилиб айтганда, инвесторларнинг Аҳдлашувчи Давлатлар ҳудудларида ҳеч қандай тўсиқларсиз фоалият юритиши, шунингдек, қонун доирасида ҳуқуқий ҳимоясини таъминланиши учун “Инвестор” тушунчасига аниқлик киритилиши ва халқаро шартномаларда акс эттирилиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. <https://investmentpolicy.unctad.org/investment-dispute-settlement/cases/15/csob-v-slovakia>.
2. <https://ustr.gov/sites/default/files/BIT%20text%20for%20ACIEP%20Meeting.pdf>.
3. [https://www.international.gc.ca/trade-commerce/trade-agreements-accords-commerciaux/agr-acc/fipa-apie/2021\\_model\\_fipa-2021\\_modele\\_apie.aspx?lang=eng](https://www.international.gc.ca/trade-commerce/trade-agreements-accords-commerciaux/agr-acc/fipa-apie/2021_model_fipa-2021_modele_apie.aspx?lang=eng).
4. [https://investmentpolicy.unctad.org/international-investment-agreements/treaty\\_files/950/download](https://investmentpolicy.unctad.org/international-investment-agreements/treaty_files/950/download).
5. <https://edit.wti.org/document/show/f3f70599-2647-4d19-a018-50b78419964d>.
6. <https://jusmundi.com/en/document/decision/en-impregilo-s-p-a-v-islamic-republic-of-pakistan-ii-decision-on-jurisdiction-friday-22nd-april-2005>
7. N.D. Rubins, Investor-State Arbitration (OUP 2008).
8. Z.Douglas, International Law of Investment Claims (CUP 2012) 321.
9. R.Dolzer and M Stevens, Bilateral Investment Treaties( Kluwer Law International 1995).
10. ICSID Convention.
11. C H Shreur, The ICSID Convention a Commentary, (2nd edn,CUP 2009) 663.
- 12.Champion Trading Company, Ameritrade International inc,v, Egypt, ICSID Case No.ARB/02/9, Decision on Jurisdiction, (21 October 2003)